

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАШУКУРОВ АБДУНАБИ УРАҚОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БАЪЗИ ОММАВИЙ ҚУШЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИЯСИ, ЭТОЛОГИЯСИ ВА БИОЗАРАРЛАНИШЛАРДАГИ
ЎРНИ**

03.00.06 – Зоология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамашукуров Абдунаби Урақович

Фарғона водийси баъзи оммавий қушларининг экологияси,

этологияси ва биозарарланишлардаги ўрни 3

Мамашукуров Абдунаби Урақович

Экология, этология некоторых массовых птиц Ферганской долины и их

место в биоповреждениях..... 21

Mamashukurov Abdunabi Uraqovich

Ecology, ethology and place in biodeterioration of some mass bird

species in the Fergana Valley 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАШУКУРОВ АБДУНАБИ УРАҚОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БАЪЗИ ОММАВИЙ ҚУШЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИЯСИ, ЭТОЛОГИЯСИ ВА БИОЗАРАРЛАНИШЛАРДАГИ
ЎРНИ**

03.00.06 – Зоология

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B511 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Жабборов Абдурашид Райимович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Аметов Якуб Идрисович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» 12 кун соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 104100, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Биология факультети мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-13-05, факс: (+998 66) 239-15-53, E-mail: devonxona@samdu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (68-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 104100, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-13-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «23» 11 даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



З.Т.Раҷамуродов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
биология фанлари доктори, профессор

М.С.Кузиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.Қ.Ҳайдаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий муҳитнинг жадал суръатлар билан ўзгартирилиши ва антропоген биоценозларнинг барпо этилиши бугунги кунда табиий биогеоценозларнинг таркибий компонентларидан бири қушлар фаунасига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада қушларнинг турлар таркиби, сони, хўжалик аҳамиятида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб, уларнинг феъл-атворида ўзига хос адаптив реакциялар шаклланимоқда. Шу билан бирга антропоген биоценозларнинг шаклланиши қушларнинг инсон томонидан қурилган иншоотларга ва унинг хўжалик фаолиятига тобора мослашиб боришига олиб келмоқда. Шу сабабли, ҳозирги кунда антропоген биоценозларда оммавий қушларнинг тарқалиши, сони, биоэкологик ва этологик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг феъл-атворида содир бўлаётган ўзгаришларни очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида йирик электр станциялари, фуқаро авиацияси объектларининг қурилиши, балиқчилик, асаларичилик тармоқларининг ривожланиши, инсон хўжалик фаолияти турлари ва кўлами кенгайишининг қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг ўзига хос турларини пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсири бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, дунёда қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларни камайтириш мақсадида самарали чўчитиш воситаларидан фойдаланиш, айрим турлар сонини бошқариш ва зараркунандаларга қарши курашда фойдали турларни жалб этиш масалаларига илмий жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, оммавий қушларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳамда биозарарланишлардаги ўрнини аниқлаш, фойдали турларни муҳофаза қилиш, зараркунанда турлар сонини бошқариш, уларнинг зарарини камайтириш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамалакатимизда сўнгги йилларда қушлар фаунаси, тарқалиши, сони, уларнинг аҳамияти ва биозарарлантириш фаолиятини баҳолаш, ноёб ва кам сонли турларни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қушлар фаунасининг антропоген трансформацияси, оммавий турларнинг табиатдаги роли ва биозарарланишлардаги ўрнини баҳолаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийси айрим оммавий қушларининг турлар таркиби, биоэкологияси, этологияси ва уларнинг биозарарланишлардаги ўрнини аниқлаш ва улар келтириб чиқарадиган зарарланишларнинг олдини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

олиш ва камайтириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида» ва 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисоби, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобива давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича қушларнинг биоэкологик хусусиятлари ва улар келтириб чиқарадиган биозарарланишлар бўйича маълумотлар J.Krebs (1979), J.Giban (1962), R.Murton (1974), J.Navlin (1974), W.Anderson (1978), R.Busnel (1960), W.Keil (1973) каби хорижий олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

МДХ мамалакатларида қушларнинг экологик, этологик хусусиятлари ва уларнинг биозарарлантириш фаолияти бўйича тадқиқотлар Н.А.Гладков (1960), Д.В.Владышевский (1975), Э.И.Гаврилов (1977), И.М.Ганя, Н.И.Зубков (1978), В.Д.Ильичев, Е.К.Вилкс (1978), В.Д.Ильичев (1980, 1984), В.Д.Ильичев, Б.В.Бочаров, М.В.Горленко (1985), В.Д.Ильичев, Б.В.Бочаров, А.А.Анисимов ва бошқ. (1987), А.В.Барановский (2010), В.А.Андронов, Т.Б.Ардамацкая ва бошқ. (2011), А.Ф.Ковшарь, В.И.Торопова (2012), А.В.Матюхин (2013) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Фарғона водийси қушларининг тарқалиши, экологияси ва амалий аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар М.Шарипов, Э.Шерназаров (1972), Д.Ю.Кашкаров, Р.Н.Пузанкова (1974), Р.Н.Мекленбурцев (1974), Г.П.Третьяков (1974), Д.Ю.Кашкаров, Е.Н.Лановенко, Г.П.Третьяков, М.Ш.Шарипов, Э.Шерназаров (1976), Е.Н.Лановенко, Е.А.Филатова, Э.Шерназаров, А.К.Филатов (1976), М.Шарипов (1980), Г.П.Третьяков (2017), Р.Д.Кашкаровларнинг (2008, 2018) илмий ишларида келтирилган. Ўзбекистонда қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларга доир айрим тадқиқотлар Э.Шерназаров, М.Тўраев (1994), С.Б.Бакаев, А.Р.Райимов (2012), А.Р.Жабборовлар (1996, 1998, 2016) томонидан олиб борилган.

Бироқ юқорида келтирилган манбаларда Фарғона водийсида оммавий қушларнинг экологик ва этологик хусусиятлари, биозарарланишлардаги ўрни аниқланмаган, уларнинг зарарини олдини олиш ва камайтириш чоралари ишлаб чиқилмаган. Шунга кўра, Фарғона водийсида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларининг тарқалиши, сони, экологик ва этологик хусусиятлари, уларнинг биозарарланишлардаги ўрнини аниқлаш ҳамда зарарининг олдини олиш ва камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ Био-01-2021 “Жануби-Ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва муҳофазаси, ҳамда улардан рационал фойдаланиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси айрим оммавий қушларининг экологияси, этологияси ва биозарарланишлардаги ўрнини аниқлаш ҳамда улар келтириб чиқарадиган зарарланишларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси шароитида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, ҳинд ва дала чумчуқларининг уялаш экологияси, сонининг мавсумий динамикаси, кўпайиш муддатлари, озикланиши ва этологик хусусиятларини аниқлаш;

оқ лайлак, кўк куркунак, майна, ҳинд ва дала чумчуқларининг электр тармоқлари, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалик экин майдонларидаги биозарарланишларда тутган родини баҳолаш;

оптик ва акустик репеллент воситаларнинг қушлар феъл-атвориға таъсири ва қушларнинг репеллент реакцияларини аниқлаш;

қушлар офат сигналлари спектрограммаларини олиш ва уларнинг спектрал-вақтли структурасини компьютер дастурларида таҳлил қилиш;

қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси электр тармоқлари, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалик экин майдонларида келтирилиб чиқариладиган биозарарланишлар агентлари – оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларининг сони, тарқалиши, кўпайиши, биоэкологияси, этологияси ва улар келтириб чиқарадиган биозарарланишлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда умум қабул қилинган экологик, зоологик, орнитологик, этологик, биоакустик, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийси шароитида оқ лайлакларнинг этологиясида уя импринтинги ҳодисаси аниқланган;

кўк куркунак ин камераси ва ташқи муҳит ҳарорати қиёсий таҳлил қилиниб, ин камераси ҳароратининг кун давомида оптимал 20,7-21,8°C да сақланиши аниқланган;

Фарғона водийси шароитида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, хинд ва дала чумчуқлари келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг муддатлари, даражаси аниқланган ва унинг олдини олиш ҳамда камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

кўк куркунаклардан олинган офат сигналлари спектрограммасининг спектрал-вақтли структураси таҳлил қилиниб, шу асосида офат сигналларининг имитони яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва хинд чумчуқларининг биоэкологик, этологик хусусиятлари аниқланиб, улар асосида халқ хўжалигининг турли соҳаларида қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалик экин майдонлари, электр тармоқлари, балиқчилик хўжаликларидан қушларни чўчитиб ҳайдашда оптик ва акустик репеллентлар ҳамда асаларичилик хўжаликларидан кўк куркунак офат сигналларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Классик ва замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли хорижий ва республика илмий нашрларида чоп этилганлиги, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги, морфометрик маълумотларнинг замонавий компьютер дастурлари асосида статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оммавий қушларнинг биоэкологияси, этологияси ва уларнинг биозарарланишлардаги ўрни ҳақидаги маълумотлар орнитология, биозараланишлардан ҳимояланиш соҳаларининг назарий қисмини тўлдириши ва Фарғона водийси орнитофаунаси бўйича ҳозирги замон илмий тасаввурларини бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, оммавий қушларнинг биоэкологияси, этологияси ва биозараланишлардаги роли бўйича олинган маълумотлар қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг олдини олиш ва камайтириш чораларини такомиллаштириш, қушларнинг зарар келтириш муддатларини башорат қилишда мақсадли тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси баъзи оммавий қушларининг экологияси, этологияси ва биозарарланишлардаги ўрни бўйича олинган натижалар асосида:

Фарғона водийси фаунасига тегишли бўлган 3 та оила, 4 уруғ, 5 турга мансуб қушларнинг 12 та илмий коллекцион тушка намуналари ЎЗР ФА Зоология институти “Зоология коллекцияси ноёб объекти”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 29 октябрдаги

4/1255-2854-сон маълумотномаси). Натижада, коллекциядаги қушлар фондини бойитган ва уларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш ва систематик таҳлил қилиш имконини берган;

кўк куркунакларнинг акустик системаларида аниқланган офат сигналларидан кўк куркунакларни чўчитиб ҳайдашда фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Андижон вилояти асаларичилик хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021 йил 7 январдаги 02/16-25-сон маълумотномаси). Натижада ушбу офат сигналлари асаларичилик хўжаликларида кўк куркунакларнинг зарарини камайтириб, юқори маҳсулдорликка эришиш имконини берган;

балиқчилик кўлларида оқ лайлакларни чўчитиб ҳайдашда оптик репеллент воситаларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Андижон балиқчилик хўжалиги» амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2021 йил 7 январдаги 02/16-25-сон маълумотномаси). Натижада оптик репеллент воситалар балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларидан оқ лайлакларни самарали чўчитиб ҳайдаш ва уларнинг зарарини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар тарихи келтирилган.

Фарғона водийсига 1920 йилдан бошлаб минтақанинг фауна ва флорасини ўрганиш мақсадида кўплаб таниқли рус олимлари А.П.Федченко,

Г.Е.Грум-Гржимайло, А.Ф.Миддендорф, Н.А.Северцов, А.М.Никольский, Я.П.Шелкановцев ва бошқалар экспедициялар уюштирганлар.

1923-1925 йилларда проф. Д.Н.Кашкаров Қирғизистонга уюштирилган экспедиция давомида Фарғона водийси фаунасини ҳам ўрганган. Ўтган асрнинг 70-йилларида Д.Ю.Кашкаров ва Р.Н.Пузанковалар (1974) Фарғона водийсида дала ва хинд чумчуқларининг экологияси, Р.Н.Мекленбурцев (1974) оқ лайлакнинг экологиясига доир маълумотларни келтиради. 1972 йилда М.Шарипов ва Э.Шерназаровлар «Гнездящие птицы Андижана» (1972) номли мақола чоп эттирдилар. 1976 йилда ЎзР ФА зоология институти олимлари Д.Ю.Кашкаров, Е.Н.Лановенко, Г.П.Третьяков, М.Ш.Шарипов, Э.Шерназаровлар (1976) қушларнинг кузги миграциясини ўрганганлар.

XXI асрнинг бошларида Фарғона водийсида орнитологик тадқиқотлар Е.Н.Лановенко, Е.А.Филатова, Э.Шерназаров, А.К.Филатов (2012), Г.П.Третьяков (2017) томонидан олиб борилиб, Фарғона водийсида оқ лайлак ва майнанинг тарқалиши ва биологияси тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланган. 2007 йилдан бошлаб оқ лайлакларнинг биологияси, ҳозирги ҳолати ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар Р.Д.Кашкаров (2008, 2018) томонидан олиб борилмоқда.

Бироқ юқорида санаб ўтилган ишларга қарамасдан, Фарғона водийсида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва хинд чумчуқларининг экологияси етарли ўрганилмаган, уларнинг этологияси, биозарарланишлардаги ўрни, муҳим хўжалик объектларида келтириб чиқарадиган биозарарланишлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар умуман йўқ, биозарарланишларнинг олдини олиш ва уни камайтириш чоралари ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг физик-географик тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Фарғона водийсининг географик жойлашиши, иқлими ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда тадқиқот материаллари ва усуллари баён қилинган.

Қушларнинг минтақада учраш хусусиятлари ва сонининг динамикасини аниқлаш мақсадида 12 та маршрутларда (1326 км) ҳисоблар ўтказилган. Дала кузатишлари 2100 кундан ортиқ давом этди. 3 туркум, 4 оила ва 5 турга мансуб қушларнинг 184 та уяларида доимий кузатишлар олиб борилди. Уяларнинг ўлчамлари 148 та уяларда ўрганилган. Тухумларининг ўлчамлари 136 та уядаги 748 та тухумлар бўйича аниқланган. Тухум босиш жадаллиги суткалик кузатишлар орқали 26 та уяда ўрганилган. Полапонларнинг ўсиши ва ривожланиши 624 та полапонлар массаси ва ўчамларини мунтазам ўлчаш натижасида аниқланган. Полапонларнинг озиқланишини аниқлаш мақсадида 26 уяда кузатишлар олиб борилган. Қушларнинг озиқ таркиби 250 дан ортиқ озиқ намуналарини таҳлил қилиш асосида аниқланган.

Қушларнинг экологияси умум қабул қилинган услубиятлар, этологияси К.Lorenz, N.Tinbergen, D.Дьюсбери, Е.Панов усуллари асосида ўрганилган. Олинган натижаларга замонавий биоакустик ва статистик усуллардан фойдаланиб, Sound Forge 5.1., Cool Edit Pro Version 2.1., Microsoft Office Excel 2010 компьютер дастурлари асосида ишлов берилган.

Диссертациянинг «Фарғона водийсида баъзи оммавий қушларнинг мавсумий динамикаси» деб номланган учинчи бобида йил фасллари бўйича оммавий қушларнинг мавсумий динамикаси келтирилган.

Қишда турлар хилма-хиллиги камлиги билан ажралиб туради. Бу даврда ҳисобларда 8 туркумга мансуб 24 тур қушлар ҳисобга олиниб, доминант тур кўк каптар (4,111 қуш/км 17,8%), субдоминант тур гўнғарға (3,729 қуш/км 16,15%) ҳисобланади. Кейинги ўринларда майна (3,555 қуш/км 15,4%), зағизғон (2,216 қуш/км 9,59%), дала чумчуғи (1,718 қуш/км 7,44%), оқ лайлак (0,676 қуш/км 2,93%) туради.

Баҳорда миграция қилувчи турлар ҳисобига турлар сони ошади. Бу даврда ҳисобларда 10 туркумга мансуб 34 тур қушлар учратилиб, майна доминант (4,028 қуш/км 14,4%) зағизғон субдоминант тур (2,339 қуш/км 8,36%) ҳисобланади. Кейинги ўринларда ҳинд чумчуғи (2,355 қуш/км 8,42%), кўк каптар (2,142 қуш/км 7,66%), оқ лайлак (0,969 қуш/км 3,46%) туради.

Ёзда турлар хилма-хиллиги нисбатан юқори бўлади. Бу даврда ҳисобларда 11 туркумга мансуб 37 тур қушлар учратилиб, доминант тур сифатида кўк каптар (4,329 қуш/км 12,05%) субдоминант тур сифатида майна (4,081 қуш/км 11,36%) қайд этилди. Кейинги ўринда ҳинд чумчуғи (3,748 қуш/км 10,44%), оқ лайлак (3,346 қуш/км 9,32%), чуғурчиқ (3,336 қуш/км 9,29%), дала чумчуғи (2,993 қуш/км 8,33%) туради.

Кузда турлар сони кам бўлишига қарамасдан айрим турларнинг сони нисбатан юқори бўлади. Бу даврда ҳисобларида 10 туркумга мансуб 35 тур қушлар учратилиб, доминант тур майна (4,809 қуш/км 17,27%), субдоминант тур оқ лайлак (3,842 қуш/км 14,22%) ҳисобланади. Кейинги ўринларда ҳинд чумчуғи (3,736 қуш/км 13,42%), чуғурчиқ (3,233 қуш/км 11,61%), дала чумчуғи (3,055 қуш/км 10,97%) туради (1-жадвал).

1-жадвал

Йилнинг турли мавсумларида қушларнинг миқдор кўрсаткичлари ва зичлиги (Андижон вилояти Балиқчи ва Улуғнор туманлари, Наманган вилояти Уйчи тумани, 2008-2016 йй.)

№	Қушларнинг тури	Қушларнинг зичлиги (қуш/км)							
		Қиш		Баҳор		Ёз		Куз	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
1.	<i>Podiceps cristatus</i> L.	-	-	-	-	0,074	0,23	-	-
2.	<i>Egretta alba</i> L.	0,175	0,65	0,209	0,75	0,189	0,53	0,191	0,71
3.	<i>Ardea cinerea</i> L.	0,191	0,71	0,167	0,59	0,273	0,76	0,333	1,23
4.	<i>Ixobrychus minitus</i> L.	0,135	0,5	0,161	0,57	0,178	0,49	0,137	0,51
5.	<i>Ciconia ciconia asiatica</i> Sev.	0,676	2,93	0,969	3,46	3,346	9,32	3,842	14,22
6.	<i>Anas platyrhynchos</i> L.	0,074	0,32	0,099	0,35	0,339	0,94	0,051	0,19
7.	<i>Pandion haliaetus</i> L.	0,037	0,16	0,025	0,09	0,052	0,15	0,021	0,08
8.	<i>Circus aeruginosus</i> L.	-	-	-	-	0,049	0,14	0,027	0,10
9.	<i>Buteo rufinus</i> Cretzschmar	-	-	0,046	0,17	0,017	0,05	0,036	0,13
10.	<i>Accipiter badius</i> Gmelin	-	-	0,081	0,29	0,098	0,27	0,021	0,08
11.	<i>Falco subbuteo</i> L.	0,071	0,31	0,059	0,21	0,049	0,14	0,033	0,12
12.	<i>Falco tinnunculus</i> L.	0,037	0,16	0,065	0,23	0,059	0,17	-	-


13.	<i>Coturnix coturnix</i> L.	-	-	0,099	0,35	0,895	2,49	0,042	0,15
14.	<i>Fulica atra</i> L.	0,051	0,22	0,114	0,41	0,133	0,37	0,071	0,26
15.	<i>Larus argentatus</i> Pontoppidan	1,721	7,45	1,673	5,98	1,881	5,24	0,943	3,49
16.	<i>Sterna hirundo</i> L.	1,084	4,69	1,133	4,05	0,921	2,56	0,441	1,63
17.	<i>Columba livia</i> Gmelin	4,111	17,8	2,142	7,66	4,329	12,05	1,762	6,52
18.	<i>Streptopelia decaocto</i> Frivaldszky	0,568	2,46	0,954	3,41	1,108	3,09	0,524	1,94
19.	<i>Streptopelia senegalensis</i> L.	0,437	1,89	0,552	1,98	0,196	0,55	0,218	0,78
20.	<i>Apus apus</i> L.	-	-	1,367	4,89	-	-	0,288	1,04
21.	<i>Alcedo atthis</i> L.	0,029	0,13	0,052	0,19	0,108	0,3	0,021	0,08
22.	<i>Coracias garrulus</i> L.	-	-	0,389	1,39	0,615	1,71	0,353	1,27
23.	<i>Merops superciliosus</i> Pallas	-	-	1,299	4,64	0,867	2,42	0,494	1,77
24.	<i>Upupa epops</i> L.	-	-	0,182	0,65	0,371	1,03	0,052	0,19
24.	<i>Dendrocopos leucopterus</i> Salvadori	0,018	0,08	-	-	0,017	0,05	-	-
26.	<i>Hirundo rustica</i> L.	-	-	1,929	6,89	1,147	3,19	0,564	2,03
27.	<i>Galerida cristata</i> L.	-	-	0,361	1,29	1,042	2,9	0,282	1,01
28.	<i>Motacilla alba</i> L.	0,045	0,19	-	-	0,024	0,07	-	-
29.	<i>Lanius minor</i> Gmelin	-	-	0,241	0,86	0,185	0,52	0,083	0,30
30.	<i>Oriolus oriolus</i> L.	-	-	0,198	0,71	0,276	0,77	0,034	0,12
31.	<i>Sturnus vulgaris</i> L.	1,877	6,98	2,121	7,58	3,336	9,29	3,233	11,61
32.	<i>Sturnus roseus</i> L.	-	-	-	-	1,528	4,26	0,539	1,94
33.	<i>Acridotheres tristis</i> L.	3,555	15,4	4,028	14,4	4,081	11,36	4,809	17,27
34.	<i>Pica pica</i> L.	2,216	9,59	2,339	8,36	1,115	3,11	0,531	1,91
35.	<i>Corvus monedula</i> L.	0,679	2,94	-	-	-	-	0,288	1,04
36.	<i>Corvus frugilegus</i> L.	3,729	16,15	0,762	2,73	-	-	0,448	1,61
37.	<i>Turdus merula</i> L.	-	-	0,071	0,25	0,059	0,17	-	-
38.	<i>Parus bocharensis</i> Lichtenstein	0,195	0,84	0,201	0,72	0,203	0,57	0,079	0,29
39.	<i>Passer montanus</i> L.	1,718	7,44	1,537	5,49	2,993	8,33	3,055	10,97
40.	<i>Passer indicus</i> Jard. et Selby	-	-	2,355	8,42	3,748	10,44	3,736	13,42
	Жами:	23,427	100	27,978	100	35,902	100	27,584	100

Диссертациянинг «Фарғона водийси шароитида баъзи оммавий қушларнинг экологияси ва этологиясининг ўзига хос хусусиятлари» номли тўртинчи бобида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларининг экологияси ва этологиясига оид маълумотлар келтирилган.

Оқ лайлак - *Ciconia ciconia asiatica* Sev. Фарғона водийсида оқ лайлак кўп ҳолларда аҳоли пунктларида тарқалган. Улар кўпинча инсон томонидан қурилган иншоотларда уя қуради. Уяда ўртача 4,7 та тухум бўлиб, уларнинг ўлчамлари қуйидагича (n=19): узунлиги 71,3±0,12 мм, кенлиги 51,7±0,09 мм, массаси 102,2±0,19 г, шакл индекси 72,5±0,24%, ҳажми 193,8±5,13 мл. Тухум босиш зичлиги инкубация даврининг дастлабки кунларида 96,3%, инкубация даврининг охирида 89,9% ни ташкил этади.

Тухумдан энди чиққан оқ лайлак полапонининг танаси оппоқ момик билан қопланган, массаси ўртача 76,1 г бўлади. Полапонлар массасининг ўсиши ривожланишнинг дастлабки кунларидан 11-кунгача жадал боради ва ўсиш суръати 18,4-70,9% ни ташкил этади. 13-кунда ривожланиш суръати

кескин пасайиб полапонлар дастлабки массасига нисбатан атиги 9,5% га ошади. 15-кундан 29-кунгача ўсиш суръати стабиллашиб, у 10,6-22,9% ни ташкил этади. 31-кундан 45-кунгача ўсиш суръати пасайиб, атиги 0,7-4,9% га ташкил этади. 45 кунлигида полапонларнинг массаси максимумга етади. 47-кундан бошлаб уядан учиб чиққунга қадар полапонлар массасининг ўсиш суръати камайиб -0,2-1,5% ни ташкил этади (1-расм).




1-расм. Оқ лайлак полапонларининг ўсиш суръати

Кўк куркунак - *Merops superciliosus* L. Кўк куркунак майнинг ўрталаридан ин қовлашга киришади. Кўк куркунакнинг ини коридор ва ин камерасидан иборат бўлади. Ин коридорининг узунлиги $185,9 \pm 0,13$ см, ин камерасининг узунлиги $34,7 \pm 0,11$ см, эни $19,0 \pm 0,08$ см, баландлиги $9,75 \pm 0,06$ см ни ташкил этади ($n=42$).

Илк бор кўк куркунак ин камераси ва ташқи муҳит ҳарорати қиёсий таҳлил қилинди. Куннинг эрталабки вақтларида ташқи муҳит ҳарорати $11-18^\circ\text{C}$ (ўртача $15,3^\circ\text{C}$), ин камераси ҳарорати $20-22^\circ\text{C}$ ($20,7^\circ\text{C}$), ташқи муҳит билан ин камераси ҳарорати ўртасидаги фарқ $2-10^\circ\text{C}$ ($5,4^\circ\text{C}$) ни ташкил этади. Куннинг ўртасида ташқи муҳит ҳарорати $38-41^\circ\text{C}$ ($39,8^\circ\text{C}$), ин камераси ҳарорати $21-23^\circ\text{C}$ ($21,8^\circ\text{C}$), ташқи муҳит билан ин камераси ҳарорати ўртасидаги фарқ $16-20^\circ\text{C}$ ($18,1^\circ\text{C}$) ни ташкил этади. Кечки вақтларда ташқи муҳит ҳарорати $33-39^\circ\text{C}$ ($36,1^\circ\text{C}$), ин камераси ҳарорати $20-23^\circ\text{C}$ ($21,2^\circ\text{C}$), ташқи муҳит билан ин камераси ҳарорати ўртасидаги фарқ $12-18^\circ\text{C}$ ($14,8^\circ\text{C}$) ни ташкил этади.

Кўк куркунак тухумларининг узунлиги $25,4 \pm 0,13$ мм, эни $21,1 \pm 0,09$ мм, массаси $6,05 \pm 0,8$ г, шакл индекси $83,07 \pm 0,44\%$, ҳажми $57,3 \pm 4,68$ мл ни ташкил этади ($n=59$). Тухум босиш зичлиги инкубация даврининг дастлабки кунларида $68,0\%$, инкубация даврининг охирида $94,0\%$ ни ташкил этади.

Тухумдан энди чиққан полапоннинг массаси ўртача $5,3$ г, яланғоч, териси пушти рангда бўлади. Полапонлар массасининг ўсиш суръати дастлабки кунлардан 9-кунликкача нисбатан жадал боради ва бу кўрсаткич $32,9-50,0\%$ ни ташкил этади. 11-кундан 19-кунгача ривожланиш суръати нисбатан пасайиши кузатилади ва полапонларнинг массаси дастлабки кўрсаткичга нисбатан $7,5-17,1\%$ га ошади. 19-кунга келиб полапонларнинг массаси максимумга етади, шундан сўнг полапонлар массаси уядан учиб чиққунга қадар камайиб боради ва ўсиш суръати $-0,6-1,7\%$ га пасаяди (2-расм).




2-расм. Кўк куркунак полапонларининг ўсиш суръати

Майна – *Acridotheres tristis* L. Майна асосан антропоген объектларда: печка мўриларида, том тирқишларида, иситиш трубалари орасида, темир-бетон устунлари ковагида, табиий шароитларда дарахт ковакларида, зағизфоннинг эски уяларида, оқ лайлакнинг уяларидаги шохлар орасига уя куради ёки жарликларда кўкқарға, ҳинд чумчуғи уяларини эгаллаб олади.

Уяда 4-6 та тухум бўлиб, уларининг ўртача узунлиги $29,2 \pm 0,36$ мм, эни $20,3 \pm 0,33$ мм, массаси $7,5 \pm 0,16$ г, шакл индекси $69,5 \pm 0,57\%$, ҳажми $31,4 \pm 5,28$ мл бўлади ($n=72$). Тухум босиш зичлиги инкубация даврининг дастлабки кунларида 67,7%, инкубация даврининг охирида 82,5% ни ташкил этади.

Тухумдан энди чиққан полапоннинг массаси 7,18 г бўлиб, унинг териси пушти-қизғиш рангда, яланғоч, эшитиш йўллари ва кўзлари ёпиқ бўлади. Полапонлар массасининг ўсиш суръати ривожланишнинг дастлабки кунларидан 11 кунгача интенсив боради. Бу вақт оралиғида уларнинг массаси 24,5-70,9% га ошади. Ривожланишнинг 13-кунидан 19-кунигача ўсиш суръати кескин пасайиб кетади ва у 3,6-5,0% ни ташкил этади. 21 кунлигида полапонларнинг массаси максимумга етади. Шундан сўнг полапонлар массаси камайиб боради ва ўсиш суръати -1,4-2,5% ни ташкил этади (3-расм).




3-расм. Майна полапонларининг ўсиш суръати

Дала чумчуғи – *Passer montanus* L. Дала чумчуғи антропоген ландшафтларда ва жуда кам ҳолатларда жарликларда уя куради. Бу ерда улар кўпинча том тирқишлари, иситиш трубалари ораси, дарахт коваклари, оқ лайлак уясидаги шохлар ораси, кўча чироқлари ичида уя куради.

Дала чумчуғи йил бўйи 2 марта, баъзан 3 марта кўпаяди. Ҳар бир уяга ўртача 4,5 тадан тухум тўғри келади. Тухумларининг ўртача узунлиги $20,3 \pm 0,06$ мм, эни $14,8 \pm 0,11$ мм, массаси $2,3 \pm 0,03$ г, шакл индекси $72,9 \pm 0,36\%$, ҳажми $15,8 \pm 3,26$ мл ни ташкил этади ($n=48$). Тухумларни иккала қуш навбатлашиб босиб ётади. Тухум босиш зичлиги инкубация даврининг дастлабки кунларида $93,1\%$, инкубация даврининг охирида $98,2\%$ ни ташкил этади.

Тухумдан чиққан полапоннинг териси пушти, кўзи ва қулоқ тешиги ёпиқ бўлади. Полапонлар массасининг ўсиш суръати ривожланишнинг 1-5-кунларида нисбатан юқори бўлиб, бу кўрсаткич $48,3-75,2\%$ ни ташкил этади. 7 кунликдан 9-кунликкача ўсиш суръати пасайиб, улар дастлабки вазнига нисбатан $26,0-27,4\%$ га ошади. 9-кунлигида полапонларнинг массаси максимумга етади. Шундан сўнг уларнинг массаси камайиб боради ва ўсиш суръати $-2,6-4,1\%$ га камаяди (4-расм).



4-расм. Дала чумчуғи полапонларининг ўсиш суръати

Ҳинд чумчуғи – *Passer indicus bactrianus* Zarudny. Ҳинд чумчуғи асосан жарликлар ва дарахтларда катта колониялар ҳосил қилиб яшайди. Аҳоли яшайдиган жойларда асосан ташландиқ бинолар ва одам кам жойларда уя қуради.

Уяда 3-6 та, ўртача 3,9 та тухум бўлади. Тухумларининг ўртача узунлиги $20,4 \pm 0,04$ мм, эни $14,7 \pm 0,05$ мм, массаси $2,3 \pm 0,02$ г, шакл индекси $72,05 \pm 0,28\%$, ҳажми $15,9 \pm 1,98$ мл ни ташкил этади ($n=58$). Тухум босиш зичлиги инкубация даврининг дастлабки кунларида бир оз пастроқ бўлиб $92,4\%$ ни ташкил этади. Инкубация даврининг сўнгги кунларида тухум босиш зичлиги ошади ва $97,3\%$ ни ташкил этади.

Полапонларнинг тухумдан чиқиши 2-3 кун давом этди. Тухумдан эндигина чиққан полапон яланғоч, нимжон, кўзи ва қулоқ тешиклари ёпиқ бўлиб, унинг ўртача массаси 3,7 г ни ташкил этади. Ривожланишнинг 1-3-кунларида энг юқори ўсиш суръати ($76,9\%$) кузатилади. Шундан сўнг ўсиш суръати пасаяди ва 9-кунгача полапонлар дастлабки массасига нисбатан $23,2-50,0\%$ га ошади. 9-кунлигида полапонларнинг массаси максимумга етади. 11-кунда ўсиш суръати кескин пасаяди ва кейинги кунларда ўсиш суръати $-1,1-4,8\%$ га пасаяди (5-расм).




5-расм. Ҳинд чумчуғи полапонларининг ўсиш суръати

Диссертациянинг «**Фарғона водийсида қушлар томонидан келтирилиб чиқариладиган биозарарланишларнинг таҳлили, биозарарланишлардан ҳимояланишнинг стратегияси ва тактикаси**» номли бешинчи бобида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларининг биозарарланишлардаги ўрни ва биозарарланишлардан ҳимояланишнинг стратегияси ва тактикаси таҳлил қилинган.

Оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқлари Фарғона водийсида турли соҳаларда биозарарланишлар келтириб чиқаради. Қуйида биз уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

Оқ лайлак. Фарғона водийсида оқ лайлакларнинг юқори кучланишли электр узатиш линиялари устунларига уя қуриши водий электр тармоқларига жуда катта зарар етказди. Масалан, Наманган электр тармоқлари корхонаси маълумотларига кўра, лайлаклар иштирокида 2012 йилда 98 та, 2013 йилда 87 та, 2014 йилда 53 та, 2015 йилда 64 та авариялар содир этилган. Фақатгина 2012 йилнинг ўзида оқ лайлакларнинг суюқ ахлатлари орқали 55 та, бевосита оқ лайлакларнинг ўзи орқали эса 43 та авариялар содир этилган (6-расм).



6-расм. Наманган электр тармоқлари ташкилоти юқори кучланишли электр узатиш линияларидаги авариялар

Оқ лайлақларнинг балиқчилик хўжалиқларидаги зарари сентябрь ойидан бошланиб, эрта баҳоргача, сунъий сув ҳавзаларидан балиқларни овлаш учун сувнинг бир қисми чиқарилиб юборилгунгача давом этади. Бундай кўллар атрофига оқ лайлақлар кўплаб тўпланади. Эрталаб ва кеч пайтларида балиқлар гала-гала бўлиб кўлнинг қирғоғига томон сузади. Оқ лайлақлар эса қирғоқда балиқларни пойлаб туриб, асосан 200-300 граммли, баъзан 500 граммли балиқларни тутиб ейди. Балиқчилик хўжалиқларига лайлақлар бир учи келишда 100-150 та бўлиб учи келади. Бир кўлга кун давомида 850-1000 тадан 1500 тагача оқ лайлақлар келиб кетади (7-расм). Битта лайлақ бир кунда ўртача 600-800 грамм балиқни тутиб ейди. Натижада битта кўлдан бир кунда ўртача 600-800 кг балиқ оқ лайлақлар томонидан еб кетилади.



7-расм. «Андижон балиқчилик хўжалиғи» кўлларида лайлақларнинг фаоллиғи

Кўк куркунак. Кўк куркунақлар баҳорги ва кузги миграция даврида асаларичилик хўжалиқлари атрофида тўпланади. Бу даврда куркунақлар эрта тонгдан кечгача ишчи асалариларни тутиб ейди. Уя даврида эса улар асосан зараркунанда ҳашаротлар билан озиқланади. Лекин ҳаво булутли кунларда улар шу даврда ҳам ишчи асалариларни қиради, чунки бу вақтда учувчи ҳашаротларнинг миқдори кескин камайиб кетиб, фақат асаларилар фаол бўлади. Бир куркунақ бир учишда бир неча ишчи асалариларни тутиб, 5 дақиқа давомида 3-7 та, бир соатда ўртача 30-40 дона ишчи асаларини тутиб ейиши, ўртача бир жуфт куркунақ бир кунда 350-400 га яқин ишчи асаларини тутиб ейиши аниқланди. Асаларичилик хўжалиқлари атрофларида топилган юзлаб қайт қилиб ташланган овқат қолдиқлари таҳлил қилинганда уларда асалари ва бошқа пардақанотлиларнинг хитин қолдиқлари топилди.

Майна. Фарғона водийсида майна боғдорчиликка, асосан эртапишар гилосларга катта зарар етказди. Кузда полапонларини уядан учуриб чиқаргандан сўнг улар катта-катта галалар ҳосил қилиб боғлар ва узумзорларга ҳужум қилади. Майналар узумзорларга эрталаб соат 5.00 дан учи келиб, асосан эрталабки соатларда фаол бўлади. 5 га майдондаги узумзорга бир кунда ўртача 1031 та майна ва улар билан биргаликда 1082 тагача чуғурчиқлар ҳам келиб кетиши аниқланди.

Узумнинг қора кишмиш нави энг кўп зарарланадиган нав бўлиб, унинг ўртача зарарланганлик даражаси 53,05%, вино узумида 17,95%, хусайни навида 10,95% ва қизил узум навида 9,3%, Каттакўрғон навида 8,65%, «Ғалаба» навида 4,3%, ўртача зарар 18,55% ни ташкил этади.

Дала ва ҳинд чумчуқлари. Фарғона водийсида дала ва ҳинд чумчуғи ғаллага сут-қатиклик давридан бошлаб зарар етказди. Майнинг бошларида буғдой донлари тўлишиш вақтида дала ва ҳинд чумчуқлари ғалалар ҳосил қилиб, буғдой далаларига ҳужум қилади. Чумчуқларнинг зарари кенглиги 10 м бўлган шартли тилимларда ҳисоблаб чиқилди. Чумчуқлар уя колонияси яқинидаги далаларда биринчи тилимда 26,73%, иккинчи тилимда 10,07%, учинчи тилимда 3,37% бошоқлар зарарланади, уя колонияларидан узоқда жойлашган далаларда зарарланиш даражаси мос равишда 7,17%, 5,72% ва 2,87%, ўртача зарар 16,95 % ни ташкил этади.

Шоли далаларида чумчуқларнинг зарари Андижон вилояти Балиқчи туманида 2,1%, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида 13,4% ни ташкил этди. Чумчуқларнинг шоли далаларига етказадиган зарари кузда, ҳинд чумчуқларининг кузги миграция қилиш даврида анча сезиларли бўлди.

Қушлар келтирилиб чиқарадиган биозарарланишларнинг олдини олиш ва камайтириш мақсадида турли репеллент воситалар синовдан ўтказилди.

Акустик репеллентлар. Ўтказилган тадқиқотлар акустик репеллентлар қушларни биозарарланиш объектларидан чўчитиб ҳайдашда самарали восита эканлигини тасдиқлади. Тажрибаларда акустик репеллент сифатида кўк куркунак, чуғурчиқ, майна, соч, зағизғоннинг офат сигналлари, шунингдек, айрим лочинсимонлар: скопа, жиғолтой ва тош қирғийнинг тур қақриқларидан фойдаланилди.

Майнанинг баҳорда уя даврида ёзиб олинган репеллент сигналлари, нафақат майналарга, балки чуғурчиқ, соч, зағизғон, ҳатто дала чумчуқларига кучли репеллент таъсири этиши мумкинлиги қатор тажрибаларда исботланди. Бу эса майнанинг бошқа турлар билан ўзаро акустик алоқалари борлиги ва бу алоқалар кўп йиллар мобайнида анча мустаҳкамланганлиги, кўп марта синовдан ўтганлиги, шунинг учун у билан ёнма-ён яшаётган қушлар бу репеллент сигналларнинг маъноси, аҳамиятини жуда яхши англашларидан далолат беради.

Тадқиқотларда кўк куркунакларнинг акустик товуш системалари ҳар хил вазиятга қараб ўзгариши, комфорт ёки дискомфорт товушлари, репеллент сигналларидан: огоҳлантирувчи, хавф-хатарни билдирувчи ва офат сигналлари мавжудлиги илк бор аниқланди. Кўк куркунакларни чўчитиб ҳайдашда биз томонимиздан аниқланган офат сигналлари синовдан ўтказилди. Кўк куркунакларнинг бу сигналларга бўлган репеллент реакцияси сигнал манбаи томон учини, манба устидан айланиш, сўнгра бу жойларни тарк этиши билан намён бўлди. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари кўк куркунакларни ўзларининг офат сигналлари билан чўчитиб ҳайдаш мумкинлигини кўрсатди.

Оптик репеллентлар. Оптик репеллентлар сифатида кўзгули шар ва унинг ўзгартирилган шакллари: мунтазам ўн иккиёқ – додекаэдр, мунтазам йигирмаёқ – икосаэдр, олти бурчакли, саккиз бурчакли, ўн бурчакли ва ўн икки бурчакли призмалар шаклидаги кўзгули шарлар ҳамда йиртқич қушни эслатувчи кўзгули «кўзли» шарлардан фойдаланилди.

Оптик репеллентлардан электр узатиш линиялари, балиқчилик ва асаричилик хўжаликлари, узумзорлардан қушларни чўчитиб ҳайдашда

фойдаланилди. Оптик репеллентларнинг оқ жўхори ва гречиха тажриба майдонларида қўлланилиши дала чумчуқларини чўчитиб ҳайдашда юқори самара берди. Ушбу тажрибалар жараёнида оптик репеллентларнинг дала чумчуқларида янги репеллент реакция шакли ҳосил қилиши ва репеллент таъсир кўрсатиши аниқланди. Бу тажрибаларда кўзгули шарлардан қайтган нурларининг деворда кутилмаганда, ҳар томондан пайдо бўлиши, чакнаб турган нур акси ҳаракатлари бу ерда ўзига хос “Экран самараси” репеллент таъсир кучини юзага келтирди ва дала чумчуқларида кучли репеллент реакциясини рўёбга чиқарди.

Экологик аналоглар ва прототиплар. Репеллент воситалар ва қушларни жалб этувчи объектларнинг экологик аналогларидан модель сифатида фойдаланиш қушлар феъл-атворни бошқариш муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Экологик аналоглардан фойдаланганда уларнинг экологик прототипларга (*прототип* (юнонча *πρῶτος* «биринчи» + *τύπος* «из») ёки бирор бир нарсанинг энг аввалги (дастлабки) кўриниши) имкон қадар ўхшаш бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотларда майналарнинг табиий уяларига аналог сунъий уяларни жойлаштириш йўли билан уларни агроценозларга жалб қилиш ва улардан зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш ҳамда боғлар ва узумзорларда уларнинг зарарининг камайтириш ва олдини олиш борасида илк тажрибалар ўтказилди. Бунинг учун тунука ва толь қоғоздан диаметри 100-120 мм, узунлиги 800-1000 мм ли 14 та сунъий уялар тайёрланиб, агроценозлардаги дарахтлар ва дала шийпони томларига ўрнатилди. Тол ва тут дарахтларига ўрнатилган уяларнинг 8 таси (57,1%) майналар томонидан эгалланиб, кўпайишига киришди. Дала шийпонига ўрнатилган 4 та ва тут дарахтига ўрнатилган 2 та уя (42,9%) безовталаниш омили юқори бўлганлиги туфайли майналар томонидан эгалланмади.

Халқ усуллари. Қушларни қишлоқ хўжалик экин майдонларидан чўчитиб ҳайдашда турли воситалардан фойдаланиш бўйича халқ тажрибалари мавжуд. Бу мақсадларда шақилдоқлар, кўнғирокчалар, турли консерва банкалари, қўлдан қилинган пақилдоқ-қўрқитгичлар, ранг-баранг латталар, қуш тулумлари қўлланилади. Унча катта бўлмаган узумзорларда ҳосил пишиш олдидан узум бошлари қоғоз пакет билан; ер тоқлари эса янтоқ билан ўралади, гилосзорларда дарахт шоҳлари тўлиқ доқа билан ўралади. Шопипояларда осиб қўйилган консерва банкалари айниқса, яхши натижа беради, лекин уларни вақти-вақти билан ҳаракатга келтириб туриш лозим. Бу усуллариининг самараси паст бўлишига қарамасдан, улар қадимдан кенг қўлланилиб келинган ва қушларни чўчитиб ҳайдашнинг ягона усули бўлиб ҳисобланган. Бундай чўчитиб ҳайдаш усуллариининг асосий камчиликларидан бири шундан иборатки, қушлар уларга тез ўрганиб қолади ва кейинчалик уларга эътибор бермай кўяди. Уларнинг баъзиларини (қоғоз пакетлар, янтоқ, доқа билан ўраш ва ҳ.к.) катта майдонларда қўллаб бўлмайди.

ХУЛОСАЛАР

“Фарғона водийси баъзи оммавий қушларининг экологияси, этологияси ва биозарарланишлардаги ўрни” мавзусида биологияфанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги асосий хулосалар қилинди:

1. Фарғона водийсида оқ лайлак, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларининг зичлиги йил мавсумларига кўра ўзгариб туради. Оқ лайлакда энг юқори зичлик кузда (3,842 қуш/км; 14,22%), кўк куркунакда баҳорда (1,299 қуш/км; 6,89%), майнада кузда (4,809 қуш/км; 17,27%), дала чумчуғида кузда (3,055 қуш/км; 10,97%), ҳинд чумчуғида ёзда (3,748 қуш/км; 10,44%) кузатилди.

2. Фарғона водийсида оқ лайлакларнинг бир қисм популяцияси, майна ва дала чумчуғи ўтроқ, кўк куркунак ва ҳинд чумчуғи учиб-ўтувчи уяловчи тур ҳисобланиб, оқ лайлак 4-5 та, кўк куркунак 5-7 та, майна 4-6 та, дала чумчуғи 4-5 та, ҳинд чумчуғи 3-6 та тухум қўйиши аниқланди.

3. Оқ лайлакларда тухум босишнинг дастлабки кунларида тухум босиш зичлиги юқори бўлади ва 96,3% ни ташкил этди. Кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларида аксинча, пастроқ бўлади ва мос равишда 68,0%, 67,7%, 93,1%, 92,4% ни ташкил этди. Инкубация даврининг охирида оқ лайлакларда тухум босиш зичлиги пасайиб, 89,9% ни, кўк куркунак, майна, дала ва ҳинд чумчуқларида аксинча, тухум босиш зичлиги ошиб, мос равишда 94,0%, 82,5%, 98,2%, 97,3% ни ташкил этди.

4. Уяда ривожланиш мобайнида полапонларининг массаси дастлабки массасига нисбатан оқ лайлакда 54,5, кўк куркунакда 9,6, майнада 12,3, дала чумчуғида 5,5, ҳинд чумчуғида 5,8 бараварга ошди.

5. Илк бор оқ лайлакларда уя импринтинги ҳодисаси - юқори кучланишли электр узатиш линиялари, телеграф ва телефон устунлари, ичимлик суви минораларида уя курган лайлакларнинг полапонлари худди шундай объектларда уя қўйиши мумкинлиги кузатилди.

6. Оқ лайлаклар электр линияларида қисқа туташувлар келтириб чиқариши билан бирга сентябрь-февраль ойларида балиқчилик хўжаликларида тўпланиб, бир қуш 600-800 г балиқни еб кетиши, кўк куркунаклар баҳорги ва кузги миграция даврларида асаларичилик хўжаликларида тўпланиб, бир жуфт куркунак бир кунда 350-400 тагача ишчи асалариларни тутиб ейиши, майналар уядан кейинги даврда узумзорларда ҳосилнинг 18,55 % ини зарарлаши, дала ва ҳинд чумчуқлари буғдой ҳосилининг 9,32% ини, шоли ҳосилининг 2,1-3,4% ини еб кетиши аниқланди.

7. Қушлар келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг олдини олиш ва уни камайтиришда оптик репеллентлар (турли конфигурацияли кўзгули шарлар) ва акустик репеллентлар (майна, соч, зағизғон, зағча, кўк куркунакнинг офат сигналлари ҳамда скопа, жиғолтой, тошқирғийнинг тур чақириклари) юқори самарадорлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАШУКУРОВ АБДУНАБИ УРАКОВИЧ

**ЭКОЛОГИЯ, ЭТОЛОГИЯ И МЕСТО В БИОПОВРЕЖДЕНИЯХ
НЕКОТОРЫХ МАССОВЫХ ВИДОВ ПТИЦ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/B511.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице научного Совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Жабборов Абдурашид Райимович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич
доктор биологических наук, профессор

Аметов Якуб Идрисович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «7» 12 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 104100, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, Актовый зал Биологического факультета Тел.: (+99866) 239-13-05, факс: (+998 66) 239-15-53, E-mail: devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 68 Адрес: 104100, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15., Тел.: (+99866) 239-13-05.

Автореферат диссертации разослан «23» 11 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 19 от «23» 11 2021 года).



З.Т.Ражамурадов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор биологических наук, профессор

М.С.Кузиев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по биологическим наукам

Х.К.Хайдаров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивное изменение природной среды и создание антропогенных биоценозов в мире сегодня непосредственно влияет на фауну птиц, являющейся одним из составных компонентов естественных биоценозов. В результате происходят изменения в видовом составе, численности, хозяйственном значении птиц и формируются своеобразные адаптивные реакции в их поведении. Наряду с этим формирование антропогенных биоценозов ведёт к постепенному приспособлению птиц к сооружениям, созданным человеком и его хозяйственной деятельностью. Поэтому на сегодняшний день изучение распространения, численности, биоэкологических и этологических особенностей массовых видов птиц в антропогенных биоценозах и установление изменений, происходящих в их поведении, имеет важное значение.

В мировой науке ведутся исследования по изучению влияния сооружений крупных электрических станций, объектов гражданской авиации, развития сфер рыбоводства, пчеловодства, расширения видов и масштаба хозяйственной деятельности человека на возникновение и развитие новых видов биоповреждений, вызываемых птицами. В частности, в мире, со стороны научной общественности, уделяется особое внимание вопросам использования эффективных средств отпугивания птиц в целях снижения биоповреждений, вызываемых ими, регулирования численности некоторых видов птиц и привлечения полезных видов на борьбу против вредителей. В связи с этим, выявление значения птиц в природе и в жизни человека, а также их место в биоповреждениях, охрана полезных видов, регулирование численности вредных видов, разработка мероприятий по предотвращению и снижению их вреда, приобретает важное научное и практическое значение.

В стране последние годы уделяется большое внимание к оценке фауны, распространения, численности, значения и биоповрежденческой деятельности птиц, охране редких и малочисленных видов. В этом отношении достигнуты определенные результаты по оценке антропогенной трансформации фауны птиц, их роли в природе и место массовых видов в биоповреждениях. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи «... предотвращения экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения». Исходя из этих задач, выявление биоэкологии, этологии некоторых массовых видов птиц Ферганской долины и их места в биоповреждениях, а также разработка мер предотвращения и снижения повреждений, вызываемых ими, имеет важное теоретическое и практическое значение.

Настоящая диссертационная работа в определенной степени служит для решения задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан УП-4947 от 2 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Законе Республики Узбекистан ЗРУ-408 от 19 сентября 2016 года “Об охране и использовании животного мира”, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 719 от 13 сентября 2017 года “О мерах по комплексному развитию рыбководческой отрасли”, № 845 от 18 октября 2017 года “О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбководства”, № 914 от 7 ноября 2018 года “О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира”, а также в других нормативно-правовых документах, связанных с решениями задач в данной сфере.

